4 – жадвал. Тармоқ ичи ниқоблари (маскалар)

Ниқоб	CIDR усулидаги ниқоб куриниши	Тармоқдаги барча шундай ниқобдаги IP адреслар сони
-------	----------------------------------	--


255.255.255.255	/32	0
255.255.255.254	/31	2
255.255.255.252	/30	4
255.255.255.248	/29	8
255.255.255.240	/28	16
255.255.255.224	/27	32
255.255.255.192	/26	64
255.255.255.128	/25	128
255.255.255.0	/24	256
255.255.254.0	/23	512
255.255.252.0	/22	1024

2. «Компьютер тармоғини созлаш».Access ва Trunk портларини созлаш.

1) Access ва Trunk портларини созлаш.

2) IP –адресларни белгилаш.

Бошлангич маълумотлар:



3.15 – расм. Тармоқ топологияси

Компьютер тармоғини созлаш кетма - кетлиги:


1) Юқорида яратилган тармоқни очамиз.

2) Барча коммутаторлардаги access портларни созлаймиз.

ҲТ-asw1ни босамиз, **Switch(config)#interface fastEthernet 0/N** (N – порт рақами, 1- жадвалда берилган) буйруғи билан интерфейсни глобал созлаш режимига утамиз. ҲТ-asw1 учун бу куйидагича булади: **ҲТ-asw1(config)#interface fastEthernet0/1** (3.2.1-жадвал, 4-устун).

Интерфейсга таъриф берамиз. 3.2.1-жадвалдан куришиб турибдики, ҲТ-asw1коммутаторининг Fe0/1 портига РС Pto1 кушилган. Шунинг учун **ҲТ-asw1(config-if)#description PTO** буйруғини киритамиз.

Бу портга куйи курилма уланганлиги сабабли **ҲТ-asw1(config-if)#switchport mode access** буйруғи орқали access портининг режимими кўрсатамиз. **Switch(config-if)#switchport access vlan №** буйруғи ёрдамида шу портга VLAN ни «боглаймиз» Бу коммутаторда бу куйидагича булади: **ҲТ-asw1(config-if)#switchport access vlan 154** (3.2.2-расм). VLAN нинг рақами 3.2.1-жадвалда кўрсатилган (6-устун).




3.16 –расм. Access портларни созлаш.

1-жадвалда мос равишда келтирилган топологияга асосан Access портларни созланг.

3) Trunk портни созлашга ўтамиз, бунинг учун иккита ўзаро боғланган коммутатор керак бўлади.

Trunk портни созлаш учун YKT-dsw1дан YKT-asw1га утувчи Trunk портларни созлаш учун глобал созлаш режимига кирилади, интерфейсни созлаш режимида **YKT-dsw1(config)#interface Gig1/1** буйруғи ёзилади. У учун YKT-asw1 томонга интерфейс таърифини берамиз. **(config-if)#switchport mode trunk** буйруғи ёрдамида порт режимини кўрсатамиз. **Switch(config-if)#switchport trunk allowed vlan №** буйруғи билан VLANни қўшамиз. Мазкур топология учун у қуйидагича: **YKT-dsw1(config-if)#switchport trunk allowed vlan 3,152-154.**




3.17 –расм. Trunk портларни созлаш.

Trunk портларни YKT-asw1дан YKT-dsw1 га мос равишда созлаймиз (3.2.1-жадвал).


Trunk портларни тармоқнинг бошқа коммутаторларида ҳам созлаймиз.

4) Куйи қурилмаларга IP-адреслар бериб чиқамиз.

PC-PT(Pto1) қурилмани танлаб, Desktop ни қушимча булимдан танлаймиз ва IP Configurationни босамиз. Очилган ойнадан Static ни танлаб, IP Address каторига 3.2.3- жадвалда кўрсатилган IP-адресни киритамиз. Бизнинг қурилма учун 192.168.2.2, 255.255.255.0 Subnet Mask да ва Default Gateway да IP дан келиб чиқиб 192.168.2.1. шлюзни киритамиз.



3.18 – расм. IP Конфигурацияси



3.19 – расм. IP-адреслар

3.2.3- жадвалга мувофиқ барча қуйи қурилмалар учун IP-адресларни белгилаб чикилади.

Switch#copy running-config startup-config буйруғи билан қурилмалар конфигурациясини сақлаш мумкин.

3.2.1-жадвал. Тармоқ қурилмаларининг ўзаро таъсири

Қурилма номи	Қурилма моделли	Тармоқ номи	Порт	Уланадиган қурилма	Vlan	
					Acce ss	Trunk
1	2	3	4	5	6	7
Router1	Router2811	YKT-gw1	Fe0/0	YKT-dsw1		
			Fe0/1	UpLink		
Switch1	Switch2960	YKT-dsw1	Fe0/1	YKT-gw1		2,3,151,152,153,154
			Gig1/1	YKT-asw1		3,152,153,154
			Fe0/24	YKT-Morha-dsw1		3,151,152,153,154
			Gig1/2	YKT-asw2		2,3
Switch1	Switch2950T	YKT-asw1	Fe0/1	Pto1(PC-PT)	154	
			Fe0/2	Feo1(Laptop-PT)	153	
			Fe0/3	Accountant1(PC-PT)	152	
			Fe0/4	Pto2(Laptop-PT)	154	
			Gig1/1	YKT-dsw1		3,152,153,154
Switch1	Switch2950T	YKT-asw2	Fe0/1	Web-Server	2	
			Fe0/2	File-Server	2	

			Gig1/2	YKT-asw3		2,3
			Gig1/1	YKT-dsw1		2,3
Switch1	Switch2950T	YKT-asw3	Fe0/1	Mail-Server	2	
			Gig1/2	YKT-asw2		2,3
Switch1	Switch2950T	YKT-Marha-dsw1	Fe0/1	YKT-dsw1		3,151,152,153,154
			Fe0/2	Accountant2(PC-PT)	152	
			Fe0/3	Feo2(PC-PT)	153	
			Fe0/4	PTo3(PC-PT)	154	
			Gig1/1	YKT-Morha-asw1		3,151
Switch1	Switch2950T	YKT-Marha-asw1	Fe0/1	Other1	151	
			Fe0/2	Other2	151	
			Gig1/1	YKT-Morha-dsw1		3,151

3.2.2 – жадвал.VLANларнинг руйхати.

№Vlan	VLAN name	Изоҳ
1	Default	Фойдаланилмайди
2	Servers	Сервер ферма учун
3	Menegement	Қурилмаларни бошқариш учун
4-150		Захираланган
151	Other	Бошқа фойдаланувчилар

		учун
152	Accountant	Хисобхона фойдаланувчилари учун
153	FEO	ФЭО фойдаланувчилари учун
154	PTO	ПТО фойдаланувчилари учун

3.2.3- жадвал. IP режа

IP адрес	Изоҳ	Vlan
192.168.0.0/24	Серверлар(Servers)	2
192.168.0.1	Шлюз(default gateway)	
192.168.0.2	Web	
192.168.0.3	File	
192.168.0.4	Mail	
192.168.0.5- 192.168.0.254	Захираланган	
192.168.1.0/24	Бошқарув(Manegement)	3
192.168.1.1	Шлюз(default gateway)	
192.168.1.2	ҲКТ-dsw1	
192.168.1.3	ҲКТ-asw1	
192.168.1.4	ҲКТ-asw2	
192.168.1.5	ҲКТ-asw3	
192.168.1.6	ҲКТ-Morha-dsw1	
192.168.1.7	ҲКТ-Morha-asw1	
192.168.1.8- 192.168.1.254	Захираланган	
192.168.2.0/24	ПТО(РТО)	154
192.168.2.1	Шлюз(default gateway)	

192.168.2.2- 192.168.2.254	Фойдаланувчи учун диапазон	
192.168.4.0/24	Другие пользователи(Other)	151
192.168.3.1	Шлюз(default gateway)	
192.168.3.2- 192.168.3.254	Фойдаланувчи учун диапазон	
192.168.4.0/24	Бухгалтерия(accountant)	152
192.168.4.1	Шлюз(default gateway)	
192.168.4.2- 192.168.4.254	Фойдаланувчи учун диапазон	
192.168.5.0/24	ФЭО(FEO)	153
192.168.5.1	Шлюз(default gateway)	
192.168.5.2- 192.168.5.254	Фойдаланувчи учун диапазон	

3.2.ТАРМОҚ СЕРВЕРЛАРИНИНГ ХИЗМАТЛАРИ ВА ТАРМОҚ ПРОТОКОЛЛАРИ.

IP- тармоқлараро ўзаро алоқа протоколи. TCP/IP протоколлар стекининг асосий транспорт воситасини тармоқлараро ўзаро алоқа протоколи – Internet Protocol (IP) ташкил қилади. IP протоколининг асосий функциясига қуйдагилар киради:

- тармоқлар ўртасида уни функциялаштирилган формада ҳар хил турдаги адрес ахборотини алмашиш.
- тармоқлар ўртасидаги пакет узунлигининг турли хил максимал қиймати билан узатилганида уни йиғиш ва бўлаклаш.

IP- пакетининг формати.

IP-пакети сарлавха ва маълумотлар майдонидан иборат. Пакет сарлавхасида қуйидаги майдонлар бўлади:

- IP протокол версиясини кўрсатувчи версия номери (VERS) майдони. Ҳозирги вақтда 4 версиядан барча файлларда фойдаланишмоқда ва IP нг (IP next generation) деб аталувчи 6 версияга ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда.
- IP пакетининг сарлавха узунлиги (HLEN), 4 бит жой олади ва сарлавха узунлигининг қийматини кўрсатиб, 32 битли сўзларда ўлчанган. Одатда сарлавха 20 байт (5 та 32 битли сўз) узунликда бўлади, фақат хизматчи ахборотларнинг ортганда бу узунлик захира майдонига (IP OPTIONS) қўшимча байтлардан фойдаланиш ҳисобига ортган бўлиши мумкин.
- Сервис тури майдони (SERVICETYPE), 1 байт жой олади ва пакет навбатини ўрнатиш ва маршрутни танлаш шартларининг кўринишларини билдиради. Бу майдоннинг биринчи 3 бити пакет навбати (PRESEDENCE) майдон ости майдонини билдиради. Навбат ўрнатиш 0 (нормал пакет)дан 7 (ахборотни бошқарувчи пакет)гача бўлиши мумкин. Маршрутизаторлар ва компьютерлар пакетини навбати бўйича қабул қилади ва муҳимроқ бўлган пакетларни биринчи навбатда қайта ишлайди. Сервис тури майдони ҳам 3 битдан иборат бўлади ва маршрутни танлаш шартларини аниқлайди. Ўрнатилган D (делай) битда маршрут пакетни елтишни кечикишини

минималлаштиради ҳақидаги гап юритилади. Т бит – чиқиш ёки киришни максимал ҳолатига ўтказиш, R бит эса – алмашилиш (пакетларда) ишончлилигини максимал ҳолатга ўтказиш.

- Умумий узунлик майдони (TOTAL LENGTH), 2 байт жой олади ва сарлавха ва майдони ҳисобига пакетнинг умумий узунлигини кўрсатади.

- Пакет идентификатори (IDENTIFICATION) майдони, 2 байт жой олади ва пакетни аниқлайди.

- Байроқчалар (FLAGS) майдони, 3 байт жой олади ва пакетни қисмларга ажратиш имкониятларини кўрсатади, ундан ташқари пакетни оралиқ ёки охириги эканлигини аниқлаб беради.

- Аралаш фрагмент (FRAGMENT OFFSET) майдони, 13 бит жой олади. Умумий маълумотлар майдонининг кириш пакетидан ушбу пакетнинг аралаш маълумотлар майдонини байтларда кўрсатиш учун фойдаланилади. Тармоқда пакетлар алмашинувида унинг қисимларини йиғиш/бўлаклаш билан шуғулланади.

- Яшаш вақти (TIME TO LIVE) майдони, 1 байт жойни олади ва пакетни тармоқ бўйлаб кўчириш чегаравий муҳлатни билдиради. Пакетнинг яшаш даври секундларда ўлчанади ва IP протоколининг узатувчи воситасига манбаи сифатида берилади.

- Юқори сатхли протокол идентификатори (PROTOCOL), 1 байтни егаллайди ва пакетни юқори сатхдаги қайси протокоliga тегишли эканлигини кўрсатади (мисол учун TCP, UDP ёки RIP протоколлари бўлиши мумкин).

- Назорат йиғиндиси (HEADE CHECKSUM), 2 байтни егаллайди. У барча сарлавхалар бўйича ҳисобланади.


- Адрес манбаи майдони (SOURCE IP ADDRES) ва белгиланган адрес (DESTINATION IP ADDRES) майдонлари, бир хил 32 бит узунликда ва бир хил структурада.

- Захира майдони (IP OPTIONS). Бу майдон муҳим ҳисобланмайди ва тармоқни соzлашда ишлатилади. Бу майдон бир нечта майдон ости

майдонлардан ташкил топган. Бу майдон ости майдонларда маршрутизаторлардан ўтаётган пакетларни рўйхатга олиш, ушбу тизим хавфсизлигини киритиш ва яна вақтинча белгилаш мумкин.

Пакет маълумотлар майдони максимал узунлиги майдон разряди билан чеграланган. Бу катталиқ 65535 байтни ташкил қилади.

Cisco Packet Tracer дастурида шахсий компьютерларга статик IP манзил аналог компьютер PC1 устига чап тугмани икки марта босиб PC1 нинг соланмаларига ўтамыз. Desktop бўлимида IP конфигурацион ни танлаймиз ва IP манзилни киритамиз.



3.15-Расм –IP манзил бериш ойнаси.

DHCP протоколи. IP-адрес тармоқ администратори томонидан қўлга киритилиши мумкин. Бу администратор учун толиктирадиган амалларни тақдим қилади. Ҳолат қийинлашган сари кўп фойдаланувчилар ўзларининг


компьютерларини интернет тармоқда ишлаш учун конфигурацияларини созлай олишмайди ва администратор ёрдамига еhtiёж сезилади. Dynamic Host Configuration Protocol (DHCP) протоколи администраторни бундай масалалардан озод қилишга мўлжалланган. DHCP нинг асосий белгиларига IP-адреснинг динамик белгиланиши киради. Биргина динамикдан ташқари DHCP адрессларни бир мунча соддароқ қўлда ва автоматик тарзда статик усулда белгилаш имкониятини яратади. Адрессни белгилашни қўлда бажарилувчи амалида администратор муҳим рол ўйнайди. Бунда DHCP-серверга клиентнинг IP-адрессига мос келувчи физик адресс ёки бошқа идентификаторлари ҳақидаги ахборотни беради. Бу адресс хабари клиент томонидан берилади ва бу сўровга DHCP-сервердан жавоб олади. Автоматлашган статистик усулда DHCP-сервер бошланғич адресслар пуласидан операторни елтмасдан IP-адрессни (ва клиентнинг бошқа конфигурация параметрларини) ўзлаштиради. Адресслар деб аталувчи пула чегараси администратор томонидан DHCP-серверининг конфигурацияси ўрнатилганда берилади. Клиент идентификатори ва унинг IP-адресси ўртасида ҳар доим мослик бўлади. Улар DHCP-серверига клиентнинг IP-адресси биринчи марта белгиланган дақиқада ўрнатилади. Барча охириги сўровларда сервер ушбу IP-адрессга қайтади. Адрессларнинг динамик тақсимланишида DHCP-сервер белгиланган вақтда клиент адрессини беради. Адрессларнинг динамик бўлиниши IP-тармоқни куришга имкон беради. Бунда элементлар сони администратор ихтиёрида бўлган IP-адресслари сонидан бир мунча ортиб кетади. DHCP TCP/IP тармоғини ишончли ва оддий усулда конфигурациялашни таъминлайди. Администратор «ижаранинг давомийлиги» (лисе дуратион) параметри ёрдамида адрессларни белгилаш жараёнини бошқаради. DHCP протоколининг ишига мисол бўлиб қуйидаги жараённи олишимиз мумкин, яъни агарда компьютер DHCP-клиенти, бўлса у холда у тармоқ ости тармоғидан учиради. Бу холда унга белгиланган IP-адресс автоматик тарзда озод қилинади. Качонки компьютер бошқа тармоқ ости тармоғига

уланса, у холда унга автоматик тарзда янги адресс белгиланади. Фойдаланувчи ёки тармоқ администратори бу жараёнда иштирок етмайди. Бу хосса мобил фойдаланувчилар учун жуда муҳим. DHCP протокли клиент-сервер модемида фойдаланилади. DHCP компьютер клиент тизими ишининг аввалида «инициалини аниқлаш» ҳолати бўлади яъни диссовер (изланувчи) хабарини жўнатади. Бу эса барча учун маълум ҳолда локал тармоқ бўйлаб тарқатилади ва барча DHCP- серверланинг интер тармоқ қисмларига узатилади. Ҳар бир DHCP-сервер бу хабарни олганидан сўнг IP-адресс ва конфигурацияси ҳақидаги ахборот жойлашган Оффер (таклиф) хабари орқали жавоб қайтаради. Компьютер-клиент DHCP «танлов» ҳолатига ўтади ва DHCP-серверидан конфигурацион таклифларни йиғди. Бундан сўнг у таклифлардан бирини танлаб «сўров» ҳолатига ўтади ва ўша номланган DHCP-серверга рекуест(сўров) жўнатади. Танланган DHCP-сервер DHCP- acknowledgment (тасдиқ) хабарини жўнатади. Бу хабарда қидириш жараёнида жўнатилган IP-адресс ва бу адресс учун ижара параметрларини жойлашган бўлади. Клиент бу тасдиқни олганидан сўнг «алоқа» ҳолатига ўтади. Бунда унга TCP/IP – тармоғида ишлаш имконияти яратилади. Локал дискга ега бўлган компьютерлар-клиентлар кейинги тизимнинг иши бошланиш жараёни учун олинган адрессни сақлаб қўйди. Ижара яъни сервердан фойдаланиш муҳлати яқинлашганда компьютер DHCP- сервернинг ижара параметрларини янгилайди. Бу янгилаш жараёнида бу IP-дарес янгитдан ажратилмаган бўлса, шу адрессни акс ҳолда бошқа IP- адрессни олади. DHCP протоколида бир неча турдаги хабарлар ёзилади. Бу хабарлар DHCP серверни аниқлаш ва танлаш учун ишлатилади. Бунинг барчаси администраторни толиқтирувчи тармоқни конфигурациялаш амалларидан озод қилишга мўлжалланган. Биргина DHCP дан фойдаланишда айрим муаммолар мавжуд. Биринчидан бу муаммо DHCP ва DNS хизматларидан адресс ахборотлар омборининг келишуви билан боғлиқ. Барчага маълумки DNS IP-адрессга белгили номни ўзгартириш учун хизмат қилади. Агарда

IP-адресс DHCP-серверда динамик ўзгарса, у ҳолда бу ўзгариш DNS сервернинг маълумотлар омборига динамик тарзда киритилади. DNS ва DHCP хизматлари ўртасида ўзаро динамик алоқасини ташкил қилишни айрим фирмалар ишлаб чиқишган, лекин ҳали стандарти қабул қилинмаган. Иккинчидан барқарор бўлмаган ҳолда IP-адресслар тармоқни бошқариш жараёнини қийинлаштиради. Тизим бошқаруви SNMP протоколига асосланган. Охириги, адрессларни белгилаш амалларини марказлаштириш тизимининг ишончилигини пасайтиради. DHCP бузилганида барча клиентлар IP-адресс ва бошқа конфигурация ҳақидаги ахборотларни олиш имкониятига ега бўлмайди. Охириги бундай бузилишни тармоқда бир нечта DHCP серверлардан фойдаланиш орқали ҳал қилишимиз мумкин. Бундай серверлар ўзининг пул IP- адрессларига ега бўлади.

Cisco packet Tracer дастурида DHCP пратаколини серверга қуйидаги икки усулда бериш мумкин:

1. Сервер0-> сонфиг->DHCP орқали созлашларни амалга ошириши мумкин.
 - Пул номи
 - Асосий шлуз манзили берилади
 - DNS манзили берилади
 - Бошланғич IP манзил
 - Махсимум IP манзиллар сони киритилади
 - Add танланади ва сақлаб чиқиб кетамиз.



3.16-Расм- DHCP серверни созлаш.

2. Ҳар бир маршрутизаторга қуйидаги буйруқларни ёзилади:

Router(config)# IP DHCP pool 1

Router(config)# network 192.168.1.0 255.255.255.192

Router(config)# default-router 192.168.1.1

Router(config)# DNS-server 15.12.2.2

Router(config)# IP DHCP pool 2

Router(config)# network 192.168.1.64 255.255.255.192

Router(config)# default-router 192.168.1.65

Router(config)# DNS-server 15.12.2.2

Router(config)# IP DHCP pool 3

Router(config)# network 192.168.1.128 255.255.255.192

Router(config)# default-router 192.168.1.129

Router(config)# DNS-server 15.12.2.2

Router(config)# IP DHCP pool 4

Router(config)# network 192.168.1.192 255.255.255.192

Router(config)# default-router 192.168.1.193


Router(config)# DNS-server 15.12.2.2

DNS хизмати. DNS ўзининг (Domain Name System)- бу тақсимланган маълумотлар омбори. Интернет тармоғида элемент идентификациялари учун номни иерархик тизимини қўллаб қувватлайди. DNS хизмати элементнинг маълум белгили номи бўйича IP адрессни автоматик қидиришга мўлжалланган. DNS хусусиятлари РФС 1034 ва 1035 стандартлар орқали аниқланади. DNS ўзининг жадвалларини статик конфигурациясини талаб қилади. DNS протокол амалий сатхнинг хизматчи протоколи ҳисобланади. Бу протокол симметрик эмас – унда DNS-серверлари ва DNS-клиентлари аниқланган. DNS-серверлари тақсимланган белгили ном ва IP адрессларга мос келувчи маълумотлар омборини сақлайди. Бу маълумотлар омбори Интернет тармоғининг административ доменлари бўйича тақсимланган. DNS серверининг клиентлари унинг яъни ўзининг административ доменининг IP- адрессини билади ва IP протоколлари бўйича маълум белгили номни хабар қилувчи ва унга мос бўлган IP- адресс қайтарилиши сўровни жўнатади. Агарда сўровга мос келган маълумотлар DNS- серверидаги маълумотлар омборида сақланса, шу ондаёқ клиентга жавоб жўнатади. Агарда йўқ бўлса, у ҳолда бошқа номли DNS – серверига сўров жўнатади. Барча DNS-серверлар иерархик боғланган. Клиент бу серверлардан керакли тасвирни топмагунича ном сўрайверади. Клиент компьютерлар иш жараёнида биргача DNS серверининг IP- адрессидан фойдаланиши мумкин. Бу эса иш жараёнида ишончлиликини оширади. DNS маълумотлар омбори дарахт кўринишидаги структурадан иборат ҳар бир домен номга ега ва доменларга тегишли доменлар пайдо бўлиши мумкин. Домен номи унинг ҳолатини маълумотлар омборида идентификация қилади. DNS маълумотлар омбори негизи Internet Network Information Center марказ орқали бошқарилади. Юқори сатҳдаги доменлар ҳар бир давлат учун белгиланади. Бундай доменлар номи халқаро ISO 3166 стандартида бўлиши керак. Ўлкани, давлатни белгилаш учун икки ва уч ҳарфдан

иборат қисқартмалар ишлатилади. Ҳар хил ташкилотлар қисқартмалардан фойдаланади:

- com- тижорат ташкилотлари(мисол учун, мисрософт.com)
- edu- таълим (мисол учун, мит.еду)
- gov- сиёсий бошқармалар (мисол учун, нсф.гов)
- org- тижорат бўлмаган ташкилотлар (мисол учун, фидонет.org)
- net- тармоқни қўллаб қувватловчи ташкилот (мисол учун, нсф.нет)

Ҳар бир DNS-домени алоҳида ташкилот томонидан бошқарилади. Ҳар бир домен ноёб номга ега, ҳар бир домен остидаги доменлар эса ўзининг домени ичида ноёб номга ега бўлади. Домен номи 63 тагача белгидан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир хост Интернет тармоғида бир турда ўзининг тўлиқ доменли номи (фулль қуолифиед домаин наме, FQDN) билан хостдан негизига қараб барча домен номларини қўшган ҳолда аниқлаб беради. Мисол учун тўлиқ DNS- номи: tuitkf.uz



3.17-Расм-DNS серверни созлаш.

OSPF протоколи. OSPF протоколи (Open Shortest Path First – биринчи бўлиб қисқа йўлни танлаш) бу алоқа ҳолати алгоритмининг

замонавий ишланмаси ҳисобланади (у 1991 йилда қабул қилинган) ва кўп аҳамиятга эга. У катта тармоқларда қўллаш учун мўлжалланган.

Алоқа ҳолати алгоритмларига асосланган маршрутлаш алгоритмлари каби OSPF маршрутлаш жадвалини қуриш амалини иккига ажратади. Биринчиси тармоқ алоқалари ҳолати ҳақидаги маълумотлар базасини қуриш ва сақлаш бўлса, иккинчиси эса – оптимал маршрутни топиш ва маршрутлаш жадвалини тузишдан иборат.

Биринчи амал. Тармоқ алоқалари граф кўринишида тасвирланган бўлиши мумкин. Графнинг чўққиси эса маршрутизаторлар ва нимтармоқлар (IP-тармоқлар) ҳисобланади, қирралари эса улар орасидаги алоқа ҳисобланади. Бунинг учун барча маршрутизаторлар ўзининг кўшнисини билан граф ҳақидаги ахборотни алмашади. Бу жараён RIP протоколидаги тармоқча вектор масофанинг тарқалиш жараёнига ўхшаш бўлади, бироқ бунда тармоқ топологияси ҳақидаги ахборот сифатли бўлади. LSA хабарларни транзит узатишда маршрутизаторлар RIP-маршрутизаторлар каби уни модификация қилмайди уни ўзгартирмаган ҳолда узатади. Натижада тармоқнинг барча маршрутизаторлари ўзининг хотирасида тармоқ алоқасининг граф алоқаси ҳақида бир хил маълумот сақланади.

Кўшни маршрутизаторнинг алоқалари ҳолатини назорат учун OSPF-маршрутизаторлар ҳар 10 секундда бир бирларига HELLO хабарини жўнатади. Ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган бу хабарлар ўзларининг кўшнилари ва улар билан алоқаларни тез-тез текшириб туриш имконини беради. Бирор бир кўшнисидан HELLO хабари келиши тўхтаса, маршрутизатор алоқа ҳолати ўзгаргани ҳақида хулоса чиқаради ва ўзининг топологик маълумотлар базасига мос ўзгартиришлар киритади. Бир вақнинг ўзида у бу ўзгартириш ҳақида кўшниларга хабар жўнатади ва мос равишда улар ҳам ўзларининг маълумотлар базасига ўзгартириш киритади, сўнг бу ўзгартириш ҳақида бошқа кўшниларига ушбу LSA хабарни жўнатади.

Иккинчи амалда олинган граф ва генерация қилинган маршрутлаш жадвали асосида оптимал маршрут аниқланади. Графда оптимал йўлни аниқлаш бир мунча катта ва мураккаб масала ҳисобланади. Бунинг ечими учун OSPF протоколида Дийкстрлар босқичма-босқич алгоритмдан фойдаланилади. Бу алгоритмдан фойдаланиб тармоқнинг ҳар бир маршрутизатори ўзининг интерфейсидан то унга маълум барча нимтармоқларгача бўлган оптимал маршрутни қидиради. Ҳар бир қидириб топилган маршрутнинг фақат битта қадами – кейинги маршрутизаторгача бўлган қадами сақланади. Бу қадам ҳақидаги маълумот маршрутлаш жадвалига ҳам жойлаштирилади.

ICMP (TCP/IP протоколлар стекининг ёрдамчи тоифаси) протоколи.

Тармоқлараро хабарларни бошқариш протоколи (Internet Control Message Protocol, ICMP) тармоқда ёрдамчи вазифани ўйнайди ва у IP протоколни тўлдиришга хизмат қилади. У пакетни узатишда юзага келадиган муаммоларни тўғрилаш учун мўлжалланмаган: агар пакет йўқолса, ICMP уни қайта жўната олмайди. ICMP протоколининг вазифаси бошқача бўлиб, у фойдаланувчига унинг пакети билан юз берган ностандарт ҳолатларда хабар бериш воситаси ҳисобланади. Бу вақтда IP протокол пакетни узатади ва у ҳақида унутади. ICMP протокол эса тармоқ бўйича пакет ҳаракатини «кузатади» ва, агар маршрутизатор томонидан пакет ташлаб юборилса, бу хабар манба-боғламага етказилади. Бу орқали жўнатилган пакет ва жўнатувчи ўртасида тескари алоқа ўрнатилади.

ICMP протоколи ташхис билан бирга тармоқни мониторинг қилиш учун фойдаланилади. ICMP-хабарлар ёрдамида маълумотларни ҳаракатланиш маршрутини аниқлаш, тармоқнинг ишчи ҳолатини баҳолаш, белгиланган боғламага қадар маълумотни етиб бориш вақтини аниқлаш, маълум тармоқ интерфейси ниқобининг қиймати ҳақида сўровни амалга ошириш мумкин.

Кўрилган саволларни муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда умумий хулосалар қилиш мумкин.

Бу вақтда IP протоколининг вазифаси тармоқ таркибида тармоқ интерфейслар орасида маълумот узатишдан иборат бўлади. TCP ва UDP протоколларининг асосий вазифаси эса тармоқнинг охириги боғламаларида бажарилувчи амалий жараёнлар ўртасида маълумотлар алмашилишдан иборат. UDP протоколидан фарqli равишда TCP протоколда қўшимча вазифа бириктирилган, яъни таркибий тармоқ орқали хабарларни ишончли етказишни таъминлайди, бунда барча боғламалар хабарлар узатиш учун ишончли дейтаграммалар IP протоколдан фойдаланади. UDP протокол мантиқий боғланиш ўрнатилмасдан ишловчи дейтаграммалар протокол ҳисобланиб, у ўзининг хабарларининг етиб боришига жавоб бермайди.

Амалий жараёнларнинг кириш нуқталаридаги тизимли навбатлар портлар деб аталади. Портлар рақамлар билан идентификация қилинади ва компьютерда илова томонидан аниқланади. UDP протокол фойдаланувчи иловалар UDP порт рақамини олишади, TCP протоколга мурожаат қилувчи иловалар TCP портлари рақамини олади.

Агар жараёнлар барча учун умумий фойдаланишга мўлжалланган таниқли FTP, telnet, HTTP, TFTP, DNS каби хизматларни ўзида акс эттирса, у ҳолда уларга марказлаштирилган тартибда ҳаммага маълум порт рақамлари деб аталувчи стандарт (тайинлаган) рақамлар бириктирилади. Кўп тарқалмаган хизматларга локал операцион тизим томонидан стандарт порт рақами бириктирилади. Бундай рақамлар динамик деб аталди.

TCP мантиқий алоқа ўрнатиш орқали ишончли маълумот алмашилиш масаласини ҳал қилади. Боғланиш иккита сокет орқали идентификация қилинади. TCP-боғланиш дуплекс бўлиб, у узатиш бирлигининг максимал ўлчами ҳақидаги мулоқот жараёни натижасида ўрнатилади. Бу боғланиш максимал ҳажмдаги маълумотларни тасдиқсиз узатиш имконини беради.

Турли хил амалий хизматлардан келувчи TCP/UDP маълумотларни қабул қилиш процедураси мультимплекслаш деб аталади. Тармоқ

поғонасидан келувчи пакетларни TCP/UDP протокол билан юқори поғона хизматлари ўртасида тақсимлаш процедураси демультимплекслаш деб аталади. UDP протокол сокетлар ёрдамида, TCP эса боғланиш ёрдамида демультимплекслашни амалга оширади.

Маршрутлаш протоколлари ҳар бир маршрутизаторлар учун келишилган маршрут жадвалларини генерация қилади. Бу эса охириги қадамгача рационал маршрут бўйича пакетни етказишни таъминлайди. Бунинг учун тармоқ маршрутизаторлари таркибий тармоқ топологияси ҳақида ахборот алмашади.

Статик маршрутлашда жадвал маршрутизатор хотирасига тармоқ маъмури томонидан киритилади. Динамик маршрутлаш тармоқ конфигурацияси ўзгарганидан сўнг маршрутлаш жадвалини автоматик янгилаш имконини беради.

Маршрутлашнинг адаптив протоколлари икки гуруҳга бўлинади. Буларнинг ҳар бири қуйидаги тур алгоритмлардан бири билан боғланган бўлади: масофавий-векторли алгоритмда тармоқ бўйлаб даврий равишда ва кенг эшиттиришли вектор тарқатилади, унинг компонентига эса жўнатувчи маршрутизатордан унга маълум барча тармоқлар киради; алоқа ҳолати алгоритми ҳар бир маршрутизаторни тармоқнинг алоқа графини куриш учун етарли бўлган ахборот билан таъминлайди.

Интернетнинг маршрутлаш протоколлари ташқи ва ичкига бўлинади. Ташқи протоколлар (EGP) автоном тизимлар ўртасида маршрут ахборотларни ташийди, ичкиси (IGP) эса фақат маълум автоном тизимлар доирасида қўлланилади.

OSPF протоколи сиртмоқдан иборат мураккаб топологияли катта тармоқларда IP-пакетларни унумли маршрутлаш учун яратилган. У алоқа ҳолати алгоритмига асосланган бўлиб, тармоқ топологиясининг ўзгаришига чидамли ҳисобланади. OSPF-маршрутизаторлари маршрутни танлашда таркибий тармоқнинг ўтказувчанлик қобилятини ҳисобга олган ҳолда метрикадан фойдаланади.

OSPF протоколи маршрутлаш жадвалида битта тармоққа бир нечта маршрутларни сақлашга рухсат беради. Агар улар тэнг метрикадан иборат бўлса, маршрутларга маршрут юклама баланси ҳолатида ишлаш имкониятини яратади. OSPF протоколи юқори ҳисоблаш мураккаблигига эга, шунинг учун ҳам кучли маршрутизатор аппаратларида ишлайди.

Асосий маршрутизаторнинг CLI панелига қуйидаги буйруқларни ёзиш орқали OSPF протоколини сошлаб оламиз.

```
Router(config)# router ospf 100
Router(config-router)# network 192.168.1.0 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 192.168.1.64 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 192.168.1.128 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 192.168.1.192 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 15.15.1.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.6.0 0.0.0.255 area 0
```

```
Router(config)# router ospf 100
Router(config-router)# network 15.15.1.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.2.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.3.0 0.0.0.255 area 0
```

```
Router(config)# router ospf 100
Router(config-router)# network 15.15.3.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.4.0 0.0.0.255 area 0
```

```
Router(config)# router ospf 100
Router(config-router)# network 15.15.4.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.5.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.6.0 0.0.0.255 area 0
```

IP тармоқлараро протоколнинг вазифасига пакетни тармоқдаги бир маршрутизатордан бошқасига токи тармоқдаги белгиланган жойига

етгунга қадар ҳаракатлантириш киради. IP-протоколлари фақат фойдаланувчининг компьютерида эмас, балки ҳамма маршрутизаторларда ҳам ўрнатилади. RIP (Routing Information Protocol) ва OSPF (Open Shortes Path First) ёрдамчи протоколлар тармоқ топологиясини ўрганиш ва маршрут жадвалини тузиш учун мўлжалланган.

3.3.Симсиз ҳисоблаш тармоқларни қуриш.

Симсиз локал тармоқлар офисларнинг ичида, ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларида узатишларнинг юқори характеристикаларини таъминлайди. Бундай тармоқлардан фойдаланувчилар, одатда, ноутбуклар, шахсий компьютерлар ва катта ресурсларни талаб этувчи иловаларни бажаришга қодир процессорли ва катта экранли қурилмаларни ишлатишади. Хизматчи тармоқ хизматларидан мажлислар залида ёки бинонинг бошқа хоналарида бўла туриб фойдаланиши мумкин. Бу хизматчига ўз вазифаларини самарали бажариш имконини беради. Симсиз локал тармоқлар узатишнинг 54Мбит/с гача тезликда барча офис ёки маиший иловалар талабларини қондириш имконига эга. Бажарадиган амаллари бўйича бундай тармоқлар Ethernet каби анъанавий симли локал тармоқларига ўхшаш.

Локал симсиз тармоқлар бинолар доирасида юқори кўрсаткичларга эга ва IEEE 802.15 Wi-Fi технологиясида ишлайди.

Симсиз регионал тармоқлар юзаси бўйича шаҳарга тенг бўлган ҳудудга хизмат қилади. Аксарият ҳолларда иловаларни бажаришда белгиланган уланиш талаб этилади, баъзида эса мобиллик зарур бўлади. Масалан, касалхонада бундай тармоқ асосий бино ва масофадаги клиникалар орасида маълумотларни узатишни таъминлайди. Ёки ишлаб чиқариш корхонаси бундай тармоқдан шаҳар масштабида фойдаланиб, турли туманлардан бериладиган буюртмаларнинг бажарилишини таъминлайди. Натижада, симсиз регионал тармоқлар мавжуд тармоқ инфратузилмаларини бир ерга тўплайди ёки мобил фойдаланувчиларга мавжуд тармоқ инфратузилмалари билан уланишни ўрнатишга имкон беради.

Симсиз регионал тармоқларнинг характеристикалари турлича. Уланишларда узатиш тезлигининг 100 Гбит/с ва ундан катта бўлишини таъминлайди. Регионал симсиз тармоқлар юқори кўрсаткичга эга бўлиб IEEE 802.16 Wi-Max технологияси асосида ишлайди.

Ҳаво муҳити. Ҳаво компьютер қурилмалари ва симсиз инфратузилмага орасида ахборот оқимини узатиш канали ҳисобланади. Симсиз тармоқлар орқали алоқани нутқ орқали мулоқотга ўхшатиш мумкин. Агар суҳбатдошлар орқасидаги масофа ошаверса, улар бир-бирларини ёмон эшита бошлайдилар.

Симсиз тармоқларнинг ахборот сигналлари ҳам ҳаво орқали тарқалади, аммо ўзининг хусусияти эвазига нутқ сигналларига қараганда анчагина катта масофага тарқалиши мумкин. Бу сигналлар одамга эшитилмайди, шу сабабли уларни, янада юқори сатҳларгача кучайтириш мумкин. Аммо алоқа сифати тўсиқларнинг мавжудлигига боғлиқ. Тўсиқлар сигналлар тарқалишига халақит қилади ёки уларни сусайтиради, натижада сигналлар сатҳи пасаяди, уларнинг тарқалиш узоқлиги камаяди.


Симсиз тармоқ инфратузилмаси фойдаланувчилар ва охириги тизимларнинг ўзаро симсиз алоқаларини таъминлайди. Уни таянч станциялар, фойдаланиш контроллерлари, уланиш ўрнатилишини таъминловчи иловаларнинг дастурий таъминоти ва тақсимловчи тизим ташкил этиши мумкин.

Таянч станция инфратузилманинг тарқалган компоненти ҳисобланади. У ҳаво муҳити орқали тарқалувчи симсиз тармоққа узатилишини таъминлайди. Таянч станцияни баъзида «тақсимловчи тизим» деб ҳам юритишади, чунки таянч станция Web-саҳифаларни кўздан кечириш сервислари, электрон почта ва маълумотлар базаси каби тармоқ хизмати йўналишидан фойдаланишни таъминлайди. Таянч станцияда кўпинча симсиз тармоқ интерфейси платаси бўлиб, бу плата фойдаланувчи компютеридаги симсиз тармоқ интерфейси платасининг ишлаш принциpidан фойдаланилади. Базавий станция “нуқта -нуқта” ёки “нуқта-бир неча нуқта” каби уланишларни қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ҳозирги вақтда PAN тармоғининг оммабоб технологияси бу Bluetooth. У 2,4 МГц диапазондаги ажратиладиган муҳитда маълумот


узатиш тезлиги 723 Кбит/с бўлган 8 тагача булган қурилмаларнинг алоқасини таъминлайди.

Cisco Packet Tracer дастури ёрдамида қуйидаги икки компютерларни Wi-Fi тармоғи орқали ўзаро боғлаймиз:



Расм-икки ноутбукни wi-fi орқали боғлаш.

Агар компютерлар битта wi-фи роутерга уланиб қолса қуйидаги амалар бажарилади: Sobir-PC ->desktop ->PC Wireless



Расм -PC wireless бўлими.



A Division of Cisco Systems, Inc.



Link Information

Connect

Profiles

Below is a list of available wireless networks. To search for more wireless networks, click the **Refresh** button. To view more information about a network, select the wireless network name. To connect to that network, click the **Connect** button below.

Wireless Network Name	CH	Signal
Default	1	79%
Default	1	79%

Site Information

Wireless Mode

Infrastructure

Network Type

Mixed B/G/N

Radio Band

Auto

Security

Disable

MAC Address

000D.BD53.E306

Refresh

Connect

2.4GHz



Adapter is Active

Wireless-N Notebook Adapter

Wireless Network Monitor v1.0

Model No. WPC300N

Расм – мавжуд wi-fi тармоғига боғланиш.

IV БОБ. ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

4.1. Инсон организмига электромагнит майдонлари ва нурланишнинг таъсири

Алоқа техникасининг ривожланиши сари ишловчи ходимларни лазерли ва ионлаштирадиган нурланиш, электромагнит майдонлар (ЭММ) таъсиридан ҳимоялаш масалаларига янада кўпроқ эътироф берилмоқда.

Электромагнит нурланишларининг турлари, уларнинг параметрлари, юзага келиш шароитлари ва ишлатиш соҳалари 4.1-жадвалда келтирилган. Ионизацияланувчи нурланишларга рентгенли, гамма нурланиш, ҳамда альфа ва бетта зарраларнинг нурланишлари, протонлар, нейтронлар ва хоказо киради. Катта жадалликдаги электромагнит майдонларнинг инсон организмига таъсири уларнинг энергиясини тана тўқималари ютилиши билан боғлиқ, бунда асосий таъсирни электр майдон кўрсатади. Электромагнит майдонлар таъсирининг даражаси инсон организмига таъсири нурланишнинг қуввати, частотаси, таъсир давомийлиги, нурланиш тартиби (узлуксиз ёки импульсли) ҳамда организмнинг индивидуал хусусиятларидан иборат. Қуйи частотали электр майдони таъсири асаб ва юрак тизими фаолиятининг бузилишига ҳамда қон таркибида ўзгаришларга олиб келади. Юқориқ частоталарда ЭММ таъсири иссиқлик эффекти кўринишида юзага келади, бу эса тана хароратининг кўтарилишига ва алоҳида тўқималар ва кучсиз ўз-ўзини бошқарувчи аъзоларнинг маҳаллий қизишига (исиб кетишига) олиб келади. Бу ҳолда ходимларда уйқунинг бузилиши, юрак атрофида оғриқлар, бош оғриқлари, ўта чарчаш ҳолатлари юз бериши мумкин.

Электромагнит нурланишлар турлари

Нурланиш тури	Тўлқин узунлиги	Ишлатиш соҳаси ва юзага келиш шароитлари
I. Юқори частота		Металл ва нометалларни қайта
Радиотўлқинлар		Ишлаш (эритиш)
Узун, ўрта	10^3 км 3 км – 100 м	(ўтинларни қуришти, пластмассаларни кавшарлаш ва х.к.);
Қисқа УЮЧ	100 -10 м 10^{-1} м	Тиббиёт, радиоэшиттириш, радиоалоқа, телеведение
Ўта юқори частота		Радиолокация
Дециметрли	1 м – 10 см	Радио бошқарув
Сантиметрли	10 – 1 см	
Миллиметрли	1 см -1 мм	
II. Нур ва унга чегарадош нурлар: кўринадиган инфрақизил нури	346 – 0,76 мм	Очиқ аланга мавжуд бўлган металлни кавшарлаганда ҳосил бўлади, қуёш спектрида мавжуд. Тиббий ва сунъий ёритиш.
Ультрабинафша	0,4 – 0,2 мм	Металлни электрокавшарлашда ҳосил бўлади, қуёш спектрида мавжуд.
III. Лазерли нурланиш	Ультрабинафшадан инфрақизил соҳагача	Саноат, алоқа, илмий тадқиқотлар, тиббиёт ва х.к.

Инсон организмга лазерли нурланиш таъсир қилганда нурланаётган тўқималарда органик ўзгаришлар юз бериши мумкин (бирламчи биологик эффектлар) ва нурланишга (иккиламчи биологик нурланишлар) акс таъсир сифатида юз берадиган организмдаги ўзига хос ўзгаришларга олиб келади.

Жароҳатланиш даражаси нурланиш жадаллигига таъсир давомийлигига, тўлқин узунлигига, нурланаётган аъзолар ва

тўқималарнинг хусусиятига боғлиқ. Лазерларнинг генерациялайдиган нурланишларининг хавфсизлик даражаси бўйича 4 синфга бўлинади:

1. Кўз ва тери учун хавфсизлик туғдирмайди.
2. Тўғри ёки акс таъсир нурланишда, кўз нурланиши хавфлидир.
3. Кўзнинг тўғри нурланишида, кўзгули акс таъсир ҳамда дифузли акс таъсир этувчи сатҳдан 10 см масофада дифузли акс таъсир этган нурланишдан ва (ёки) терининг тўғри ёки кўзгули акс таъсир нурланиши хавфли бўлиши мумкин.
4. Дифузли акс этувчи сатҳдан 10 см масофада дифузли акс таъсир этган нурланиш таъсирида тери нурланганда хавф солиши мумкин.

Одамга ионлаштирадиган нурланишларнинг таъсири биологик тўқималарда зарядланган заррачаларнинг юзага келиши билан ажралиб туради, бу биохимик жараёнларнинг нормал оқимини бузилишига олиб келади, бу эса ўз навбатида қон қуйилиши, ички секреция безлари функцияларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Жароҳатланиш оғирлиги қабул қилинган доза катталигига, нурланиш турига, организмнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Мехнатнинг хавфсиз шароитларини яратиш учун барча юқори сифатли ускуналар шундай лойиҳалштирилган бўлиши керакки, бунда ходимларга таъсир этувчи нурланиш даражалари меъёрий қийматлардан ошмаслиги керак. Нурланишлар даражалари алоқа корхоналарида аниқ белгиланади. ГОСТ 121006-76 “радио частоталарнинг электромагнит майдонлари. Хавфсизликка умумий талаблар”.

ЭММ таъсири билан боғлиқ бўлган ишчи жойларда ва ходимларнинг ишлаши мумкин бўлган жойлардаги 300 МГц – 300 ГГц частоталар диапазонида чегаравий мумкин бўлган энергия оқимининг зичлиги ЭОЗ қ W/Т билан баҳоланади, бу ерда W – одам организмига тушиши мумкин бўлган энергетик юкламанинг меъёрий қиймати, Вт – r/m^2 ; Т – нурланиш

худудида туриш вақти, с. Барча холлар учун, айланувчи ва сканерловчи антенналардан нурланиш бундан мустасно, $W - 2 \text{ Вт} * \text{г/м}^2$; айланувчи ва сканерловчи антенналардан. Нурланиш учун $W - 20 \text{ Вт} * \text{г/м}^3$. Рентгенли нурланиш миқдори радиацион хавфсизлик меъёрлари билан белгиланади.

4.2. Ҳимоялаш ва назоратлаш усулари ва воситалари

Ходимларни ЭММ таъсиридан ҳимоялаш учун қуйидаги асосий усулар қўлланилади. Огоҳлантириш сигнализациясини улаш, ходимларга ускунани ЭММ режимида ишлаши тўғрисида ахборот бериш имкониятини беради. Ҳар бир ускунада албатта яшил ва қизил чироқлар бўлиши шарт. Яшил чироқ ускунани ЭММ режимида ишлаш тайёрлиги, қизил эса нурланишларнинг мавжудлиги тўғрисида сигнал беради. Бундан ташқари ходимлар учун ахборот тарқатиш тариқасида огоҳлантириш ёзувлари ва плакатлари ишлатилади.

Нурланишни кучсизлантириш учун манбада қуйидаги техник воситалар ишлатилиши мумкин. Пасайтирилган қувватда ишлаш, бу ҳолда ускуна қувватининг бир қисмини беради. Лойиҳа қувватда, бундай режим созлаш, тўғирлаш ва профилактик ишларда қўлланилади. Эквивалент юкланмага ишлаш, бу ҳолда ускуна нурланиш антеннасига эмас қувватида унинг ишлаш режимларини назоратлаш имконини беради. Санаб ўтилган воситалардан ташқари, ЭММ дан нурланиш таъсирини яна, агар ўз вақтида фидерлар ва тўлқин ўтказгичларнинг нурлаш жойларини бартараф этилса, ҳамда юкланишларни мослаштириш ҳисобига акс таъсир тўлқинни камайитириш мумкин.

Усқунанинг ишлаш режимини ва ходимларни тўғри танлаш ЭММ таъсир ҳудудида ходимни бўлиш вақтини камайтиради. Усқунанинг масофадан бошқарувидан фойдаланилганда ходимга ЭММ таъсир ҳудудидан ташқарида туриб ўз вазифасини имконини беради.

Экранлаш ишлатилганда ЭММ энергиясини ютиш (қабул қилиш) ва акс этиш ходисаларидан фойдаланилади. Экранларни тайёрлаш учун юқори энергетик ўтказувчан материаллардан фойдаланилади (алюминий,

мис, пўлат), улар ютиш ва акс эттириш қобилиятига эга, листлар ва майда уяли тўрлар кўринишида бажарилади. Экранлар ерга уланган бўлиши керак. Материалларнинг экранлаш самарадорлиги ЭММ нинг экранга ютилиш чуқурлиги билан баҳоланади ва у қандай материалдан тайёрланганлигига боғлиқ бўлади.

ЭММ ни ютилиш чуқурлиги 2,718 марта бўлганда у кучсизланади. Юқори ва ўта юқори частоталарнинг экранга ютилиш чуқурлиги одатда миллиметрлардан ошмайди ва экран қалинлигини конструктив хусусиятига қараб танланади.

Ускуна ишлашини визуал назоратлаш зарур бўлса, қуриладиган деразаларни кўрғошин билан қопланган турли экран ёки шиша билан беркитадилар, у ҳам экранлаш қобилиятига эга.

Ходимларни лазерли нурланишдан ҳимоялаш фақат лазерларни махсус жиҳозланган хоналарга жойлаштирилганда эришилади. Бунда деворлар, шиплар ва бошқа параметрлар, махсус аппаратура бундан мустасно, акс таъсир этувчи юзаликларга эга бўлмаслиги керак. Барча лазерлар лазер хавфини кўрсатувчи белги билан белгиланиши керак.

Ионизацияланадиган нурланишларда ҳимоялашда бир қатор ташкилий ва техник чоралар амалга оширилади. Ташкилий чоралар: кичик даражадаги фаолликка эга чиқиндилари бўлган кичик даврли ярим емирилишга эга изотопларни танлаш ва корхонада муайян ускуна ва материалларга боғлиқ ҳолда мазкур шароитларда ишлашнинг батафсил коидаларини ишлаб чиқиш; изотопларни махсус герметик сақланадиган каналларни жиҳозлаш; радиацион хавфликни билдирадиган белгиларни кўйиш; ходимларни соғлиқ ҳолатини даврий тиббий кўрикдан ўтказиш. Техник чораларга нурланиш даражасини кучсизлантирадиган экранлаш киради. Гамма нурланишини экранлаш учун кўрғошин ва вольфрам, бетта нурланишини экранлашга атом массаси катта бўлмаган материаллардан фойдаланилади (алюминий, плексиглас). Альфа заррачалар унча катта

бўлмаган югуриш масофасига эга, шунинг учун ҳимоя сифатида кийим, чарм қўлпоқлар, бир неча қатламга эга бўлган ҳаво бўлиши мумкин.

Ионизацияланадиган нурланишлар билан ишлаганда батафсил дозиметрик назорат керак. Зарур ҳолларда ходимларни ЭММ таъсиридан ҳимоя қилиш учун индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланилади, масалан ходимлар учун экранлайдиган костюмлар металл тўрлар билан тўқилган. Махсус матодан тайёрланади.

Радио нурланиши таъсиридан ҳимоя чоралари ичида энг кўп тарқалган усул бу масофадан туриб ҳимоя қилиш, яъни ҳимоя ҳудудларини ташкил этиш, улар аҳолини ва хизмат кўрсатувчи ходимларни бу ҳудудлардан четда ҳавфсиз жойларда бўлишини таъминлайди. Радио нурланишга нисбатан энергия оқимининг зичлиги (ЭОЗ) тўлқин зонасида бир секунд ичида тўлқин тарқалиши йўналишига перпендикуляр бўлган бирлик юзага тўғри келувчи энергия миқдори билан характерланади.

Диаметри D бўлган параболик нурлагичлар учун (тошойнанинг чизиқли ўлчамлари) ҳисоблашларда $D < \lambda/2$, $G = 1-1,5$, $D > \lambda/2$ эса $G = 4nD^2/\lambda^2$ деб қабул қилса бўлади, бу ерда λ – нурланувчи тўлқин узунлиги, см.

ЭММ ва нурланишларнинг мумкин бўлган даражаларини мунтазам назоратлаш алоқа корхоналарида меҳнатни муҳофазалашнинг мажбурий чораларидан бири ҳисобланади.

Ўлчашлар жорий санитар – гигиеник назорат тартиби бўйича бир йилда камида бир марта ўтказилади, ундан ташқари янги ускуналарни эксплуатацияга топширганда, ускуна ёки ҳимоя воситаларининг констукциялари ўзгарганда, янги иш жойлари ташкил этилганда, таъмирлаш ишлари ўтказилгандан сўнг, ускуналар иш режими ўзгартирилганда ва янги нурланиш тарқатувчи антеннанинг элементлари, лазерлар, янги изотопларнинг турлари қўлланилганда ва х.к.

Хулоса

Ушбу малакавий иш Cisco Packet Tracer дастури ёрдамида локал ҳисоблаш тармоқларнинг имитацион модели қуришга бағишланиб, малакавий ишнинг тахлилий, назарий ва амалий қисмларини бажариш давомида малакавий ишнинг белгиланган мақсади амалга оширилди ва қуйидаги вазифалар бажарилди:

- Мавзуга оид маълумотлар адабиётлар ва электрон ресурслардан тўпланди;
- Масаланинг мақсад ва вазифалари белгиланди;
- Имитацион моделлаштириш тушунчаси ўрганиб чиқилди;
- Локал ҳисоблаш тармоқларни қуришга бўлган талаблар билан танишилди;
- Тармоқларнинг имитацион моделини қуришда фойдаланиладиган дастурий муҳит танланди ва Cisco Packet Tracer муҳити интерфейси ва имкониятлари ўрганиб чиқилди;
- Компьютер тармоқ турлари ва топологиялари билан танишилди;
- Тармоқ серверлари ўрнатилди ва серверларнинг хизматлари жорий қилинди ;
- Инсон организмига электромагнит майдонлари ва нурланишнинг таъсири ва улардан ҳимояланиш усуллари ўрганиб чиқилди.


Тармоқнинг имитацион моделини қуриш ишлаб чиқаришда тармоқ устида олиб бориладиган тажрибаларнинг тан нарҳини қисқартиришга олиб келса, таълим соҳасида эса бутун тармоқни тингловчиларга яхлит ва визуал тасвирлашга ҳамда таълим сифатининг ошишига ёрдам беради.

Ушбу малакавий ишим талабаларга “Компьютер тизимлари ва тармоқлари” фанини тўлиқ ўзлаштиришда яқиндан кўмак беради деган умиддаман.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Основы информационных технологий, том 1 «Алгоритмы телекоммуникационных сетей» Ю.А. Семенов 2007г. 637с. Бином.ЛБЗ - Интернет-университет информационных технологий-ИНТУИТ
2. Компьютер тизимлари ва тармоқлари М.М.Мусаев Тошкент 2011й.
3. «Основы информационных технологий, том 2 «Алгоритмы и протоколы Интернет» Ю.А. Семенов 2008г. 826с. Бином. ЛБЗ - Интернет-университет информационных технологий-ИНТУИТ
4. «Основы информационных технологий, том 3 «Процедуры, диагностика, безопасность» Ю.А. Семенов 2008г. 509с. Бином.ЛБЗ - Интернет-университет информационных технологий - ИНТУИТ
5. «Компьютерные сети. Принципы, технологии, протоколы» Олифер В.Г., Олифер Н. А. 2009 г., 958 Стр. учебник для вузов; Гриф МО РФ; 3-е изд.
6. Материал лекций дисциплины «Информационные сети»
7. Материал с информационного ресурса <http://citforum.ru/> (учебное пособие «Телекоммуникационные технологии»
<http://citforum.ru/nets/semenov/>)
8. Материал с информационного ресурса <http://citforum.ru/> (статья «Стратегическое планирование сетей масштаба предприятия»
<http://citforum.ru/nets/spsmp/>).

Илова



```
Router(config)# ip dhcp pool 1
Router(config)# network 192.168.1.0 255.255.255.192
Router(config)# default-router 192.168.1.1
Router(config)# dns-server 15.12.2.2
Router(config)# ip dhcp pool 2
Router(config)# network 192.168.1.64 255.255.255.192
Router(config)# default-router 192.168.1.65
Router(config)# dns-server 15.12.2.2
Router(config)# ip dhcp pool 3
Router(config)# network 192.168.1.128 255.255.255.192
Router(config)# default-router 192.168.1.129
Router(config)# dns-server 15.12.2.2
Router(config)# ip dhcp pool 4
Router(config)# network 192.168.1.192 255.255.255.192
Router(config)# default-router 192.168.1.193
Router(config)# dns-server 15.12.2.2
```

```
Router(config)# router rip
Router(config-router)# network 192.168.1.0
Router(config-router)# network 15.15.1.0
Router(config-router)# network 15.15.6.0
Router(config)# router rip
Router(config-router)# network 15.15.1.0
Router(config-router)# network 15.15.2.0
Router(config-router)# network 15.15.3.0
Router(config)# router rip
Router(config-router)# network 15.15.3.0
Router(config-router)# network 15.15.4.0
Router(config)# router rip
Router(config-router)# network 15.15.4.0
Router(config-router)# network 15.15.5.0
Router(config-router)# network 15.15.6.0
Router(config)# router ospf 100
Router(config-router)# network 192.168.1.0 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 192.168.1.64 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 192.168.1.128 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 192.168.1.192 0.0.0.63 area 0
Router(config-router)# network 15.15.1.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.6.0 0.0.0.255 area 0
Router(config)# router ospf 100
Router(config-router)# network 15.15.1.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.2.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.3.0 0.0.0.255 area 0
Router(config)# router ospf 100
Router(config-router)# network 15.15.3.0 0.0.0.255 area 0
Router(config-router)# network 15.15.4.0 0.0.0.255 area 0
```

Switch 1

```
Switch> enable Вход в привилегированный режим
Switch# configure terminal Вход в режим глобальной конфигурации
Switch(config)# vlan 2 Прописывание vlan 2
Switch(config-vlan)# name vlan_2 Назначение имени «vlan_2»
Switch(config-vlan)# exit Выход из режима конфигурации vlan 2
Switch(config)# vlan 3 Прописывание vlan 3
Switch(config-vlan)# name vlan_3 Назначение имени «vlan_3»
Switch(config-vlan)# exit Выход из режима конфигурации vlan 3
Switch(config)# exit Выход из режима глобальной конфигурации
Switch#show vlan Проверка таблицы vlan-ов
```

Switch 2

```
Switch> enable Вход в привилегированный режим
Switch# configure terminal Вход в режим глобальной конфигурации
Switch(config)# vlan 4 Прописывание vlan 4
Switch(config-vlan)# name vlan_4 Назначение имени «vlan_4»
Switch(config-vlan)# exit Выход из режима конфигурации vlan 4
Switch(config)# vlan 3 Прописывание vlan 3
Switch(config-vlan)# name vlan_3 Назначение имени «vlan_3»
Switch(config-vlan)# exit Выход из режима конфигурации vlan 3
Switch(config)# exit Выход из режима глобальной конфигурации
Switch#show vlan Проверка таблицы vlan-ов
```

```
Router> enable
Router# configure terminal
Router(config)# interface GigabitEthernet9/0
Router(config-if)# no shutdown
Router(config)# interface GigabitEthernet9/0.1
Router(config-subif)# encapsulation dot1Q 1
Router(config-subif)# ip address 192.168.1.1 255.255.255.192
Router(config-subif)# exit
Router(config)# interface GigabitEthernet9/0.2
Router(config-subif)# encapsulation dot1Q 2
Router(config-subif)# ip address 192.168.1.65 255.255.255.192
Router(config-subif)# exit
Router(config)# interface GigabitEthernet9/0.3
Router(config-subif)# encapsulation dot1Q 3
Router(config-subif)# ip address 192.168.1.129 255.255.255.192
Router(config-subif)# exit
Router(config)# interface GigabitEthernet9/0.4
Router(config-subif)# encapsulation dot1Q 4
Router(config-subif)# ip address 192.168.1.193 255.255.255.192
Router(config-subif)# exit
```